

ОҒЗАКИ НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР

Фарғона давлат университети

п.ф.ф.д., (PhD) Н.М.Мерганова

Аннотация: Мазкур мақолада оғзаки нутқни ривожлантиришда лингвистик воситаларнинг ўрни ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: нутқ фаолияти, интерференция, нутқ темпи ва ритми, интонация, нутқдаги нуқсонлар.

Оғзаки нутқни амалга оширишда лингвистик воситалар лексика, грамматика, фонетика алоҳида ўрин тутди. **Лексика** психологик нуқтаи назаридан мураккаб бўлиб, у оғзаки нутқни қабул қилиб, тушунилишида қўзғатувчи вазифасини бажаради. Лексикани мукамал эгалламай туриб, нутқ фаолиятининг турларини ўрганиб бўлмайди. Агар талаба лексикани билмаса, уни матнда ўз ўрнида қўллай олмаса, мулоқотга кириша олмайди, яъни сўзни тўғри танлай олиши зарур, акс ҳолда гапнинг мазмунига путур етади. Немис тили ўқитиш методикаси мутахассиси, рус олими С.Шатилов немис тилини мутахассислик сифатида ўрганувчи талабаларнинг оғзаки нутқини ўстиришда лексик машқлардан кўпроқ фойдаланишни тавсия этади [1, 112].

Setzen Sie das richtige Verb ein! erhalten oder bekommen? ein Plakat, einen Brief, Metall aus Erz, einen Besuch, kalte Füße, Kopfschmerzen.

Сўз ва жумлаларни бир-бири билан боғлай олиш сўзловчидан **грамматик** билим талаб қилади. Таниқли методистлар И.Ёқубов ва Ў.Ҳошимовларнинг фикрига кўра, “Грамматикага оид билимларсиз, грамматика механизмини шакллантирмасдан туриб, чет тилдаги гапириш малакаси ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Агар талаба шундай

механизмни ўзлаштирган бўлса, у чет тилда грамматик жиҳатдан тўғри тузилган гапларни ҳосил қилиши ёки тинглаб тушуниши мумкин” [2, 86]. Немис тилида талаба грамматик билимларсиз гап, жумла ҳосил қила олмаслиги табиий ҳол. Чунки, ўзбек тили ва немис тилининг грамматикаси тубдан фарқ қилиб, кўпинча тил ўрганувчилар интерференция, яъни она тилининг салбий таъсирига тушадилар ва натижада нотўғри жумла тузадилар. Масалан: *Ich heute zu Universität nicht **gehe**.* (*Мен бугун университетга **бормайман**.*) Ушбу мисолда ажратилган сўз феъл туркуми бўлиб, немис тилида дарак ва сўроқ сўзли сўроқ гапларда гап охирида эмас, балки иккинчи ўринда туриши керак: *Wie **fahren** sie zum Alexanderplatz?*

Шунинг учун гапириш жараёнида асосий эътибор нутқнинг аниқ, раво ва сўзловчига тушунарли бўлиши, талаффуз қоидаларига риоя этиши кабиларга қаратилиши мақсадга мувофиқ. Бу эса бевосита фонетик билимларига боғлиқдир. **Фонетиканинг** ўрни фикрни оғзаки баён этишда товушларнинг аниқ ва тўғри талаффузида, оҳангнинг меъёрида, овознинг баланд-пастлигини ўз ўрнида қўллашда, товушларнинг қисқа ва чўзиқ талаффузида, мантикий урғудан ўринли фойдаланиш каби омилларда кўринади.

Интонация (Оҳанг). Интонация оғзаки нутқнинг биргаликда ҳаракат қилувчи элементлари: урғу, нутқ темпи ва ритми, пауза, овознинг паст баландлигининг йиғиндисидир [3, 86]. Интонация туфайли фикр тугалланган тусга эга бўлади, айтилган фикр асосий маънони ўзгартирмаган ҳолда қўшимча маънога эга бўлиши мумкин. Шунингдек, айтилган фикр мазмуни ҳам ўзгариши мумкин. *Масалан: Hast du das gelesen? Сен бунни ўқидингми? Hast du das gelesen? Бунни сен ўқидингми?*

Қуйидаги мисолда талабаларнинг сўроқ сўзсиз сўроқ гапларда оҳангни нотўғри ишлатиши кузатилмоқда. Яъни, урғу ушбу гапда немис тилида олмошга тушиши керак, феълга эмас. С.Шатилов “Бундай хатоликларнинг

кўп учраши оғзаки нутқда оҳангга эътиборнинг етарли эмаслиги, асосан, жумлаларнинг тушунарли бўлишига аҳамият берилишидадир”, дея таъкидлайди. Шу боис талабалар оғзаки нутқини ўстиришда оҳангга алоҳида аҳамият қаратиш, дарсларда тақлидий машқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ифодалиликнинг ушбу воситалари ёрдамида мулоқот жараёнида фикрлар ва ибораларни, шунингдек, эмоционал ифода муносабатларини аниқлаштириш амалга оширилади. Нутқнинг жарангдорлиги тингловчи учун зарур. Буни нотик ҳам ҳис этиши зарур ҳисобланади. Аммо жарангдорлик нутқ сўзланиб турган аудиториянинг акустик (эшитилувчанлик) хусусиятига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Масалан, 12 тагача талаба бўлган гуруҳда ўқитувчи ва талабалар ўртача овозда сўзлашишлари мумкин, бироқ 20 дан ортиқ талабаси бўлган гуруҳда, ёки 50 нафар талабага маъруза ўқилганда ўқитувчи баланд овозда гапириши талаб этилади.

Оҳанг жиҳатидан ифодали бўлмаган нутқ одатда, тинглаш қобилиятининг сустлиги, нутқни тинглаш қобилиятининг етарли даражада ривожланмаганлиги, нотўғри нутқий тарбиялаш, нутқдаги турли нуқсонлар (дизартрия, ринолалия ва бошқалар.) оқибатида юз бериши мумкин. Талаба ўз нутқида турли ҳис-ҳаяжон ва кечинмаларини тингловчига етказиш учун ифода воситаларини тўғри қўллашни билиши шарт, акс ҳолда нутқ тушунарсиз бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шатилов С. Ф. Методика преподавания немецкого языка в педагогическом ВУЗе. – М.: Просвещение, 1983. – С. – 112.
2. Ҳошимов Ў., Ёқубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси. –Т.: Шарқ, 2003, – Б. 86.
3. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. Бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси факультетлари учун қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 1993. 86-б.